O'ZBEKISTON


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 16 июнь, № 119 (4782) Сешанба


# ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ХУ ЦЗИНЬТАО УЧРАШУВИ

***Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида қатнашиш учун Екатеринбург шаҳрига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.***

**ЕКАТЕРИНБУРГ, 15 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.)**

Учрашувда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

— Биз Хитой билан ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов.

— Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир, — деди Ху Цзиньтао.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосига қурилган муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига, минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва яқин экани муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги мулоқотлар, турли мақомдаги делегациялар алмашуви изчил давом этмоқда.

Молиявий ҳамкорлик доирасида Хитой ҳукуматининг фоизсиз ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлари, Хитой Эксимбанкининг экспорт кредитлари ҳисобидан ижтимоий соҳага оид ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга доир кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Нефть-газ соҳасида сармоявий ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) Орол денгизи акваториясида, Устюрт, Бухоро, Хива ва Фарғона сармоявий блокларида геология-разведка ишларини олиб бормоқда.

Мамлакатимизда енгил саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда 223 та Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хитойнинг 44 та фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Фестиваль, кўргазма, маданият кунлари ва бошқа маданий тадбирлар изчил давом этмоқда. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин ютуқлари сифатида Тошкентда Конфуций номидаги институт, Пекиндаги Миллатлар марказий университетида Ўзбек тили бўлими очилганини таъкидлаш жоиз.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**(ЎзА).**



**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**

# ОДКБ ЙИҒИЛИШИ

**МОСКВА, 14 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон, Россия, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ОДКБнинг Коллектив оператив ҳаракат кучларини (КСОР) тузиш ҳақидаги қарорининг ижроси кўриб чиқилди.

Саммитда ОДКБ қамраган ҳудудда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга ва минтақада сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланишга оид масалалар муҳокама қилинди.

# ШҲТ САММИТИ

**ЕКАТЕРИНБУРГ, 15 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Екатеринбург шаҳрига келди.

Саммит ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари иштирок этдилар.

Президентлар ШҲТни янада ривожлантириш, унинг ҳузуридаги тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, кузатувчи давлатлар ҳамда бошқа минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Саммитда халқаро молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ШҲТ саммити 16 июнь куни ўз ишини давом эттиради.

**(ЎзА).**

Парламент ҳаёти

# ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ

## амалда ўз ижросини топмоқда

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Инқирозга қарши чоралар дастури бажарилиши жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши” мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбир парламент қуйи палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмун-моҳиятини, унда белгиланган вазифаларни аҳолига атрофлича тушунтириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига ва ижтимоий соҳага салбий таъсирини бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритишди.

Давра суҳбатида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида Инқирозга қарши чоралар дастури бажарилиши жараёнларининг ОАВда ёритилишига оид қатор тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, кўпроқ таҳлилий ва солиштирма материалларга эътибор қаратиш ҳамда ҳаётни атрофлича, содда, тушунарли, ишончли мисоллар орқали ёритиш кутилган самарани бериши мумкинлиги қайд этилди.

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Парламент қуйи палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати “Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ давлатлари билан парламентлараро алоқаларининг ҳолати ва истиқболлари” мавзуига бағишланди.***

Тадбирда таъкидланганидек, XX асрда Яқин Шарқ минтақаси сиёсий, иқтисодий, молиявий ва диний, маданий соҳалардаги халқаро муносабатларнинг таъсирчан омилига айланди. Ўзбекистон Республикаси ва Яқин Шарқ давлатлари парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатимизнинг ушбу минтақа давлатлари билан серқирра алоқаларининг таркибий қисмини ташкил этиб, бундай ҳамкорлик миллий манфаатларимизни халқаро миқёсда тўлақонли тарзда олға суриш ва ҳимоя қилиш заруратидан келиб чиқади.

Маълумки, глобал кўламлардаги диний ва маданий анъаналар ҳамда замонавий ислом тафаккурининг кучли тўлқинлари айнан Яқин Шарқ минтақасидан тарқалади. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам, мустақиллик йилларида ислом маданиятининг энг қадимий ва нуфузли марказларидан бири сифатида, диний омилнинг ҳаётий ролини эътироф этган ва дунёвийликка асосланган демократик тараққиёт йўлидан бориб, бу соҳада ибратли тажриба тўплашга эришди.

* * *

Шунингдек, мазкур қўмитанинг кеча бўлиб ўтган давра суҳбати “Парламентлараро алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари

(Давоми 2-бетда).

**Тошкентда 10-11 июнь кунлари “Демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

# Халқаро илмий-амалий конференция

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Тошкент давлат юридик институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан Нагоя университети (Япония) ҳамда ЕХҲТ лойиҳаларини мувофиқлаштирувчининг Ўзбекистондаги офиси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Германия, Ҳиндистон, Италия, Литва, Россия, Жанубий Корея, Япониядан таниқли экспертлар, мутахассислар, олимлар иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари сайлов тизимининг қонунчилик асослари ва ҳокимият вакиллик органларига сайловларни ўтказиш амалиётини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ҳар томонлама кўриб чиқди.

(Давоми 2-бетда).

# ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ АСОСИ

***Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг Жиззах вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.***

Дастур ва ижро

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамиятнинг асоси ва ҳуқуқий тизим етуклигининг кўрсаткичидир. У жамият ҳаётини тартибга солишга фаол таъсир кўрсатадиган, фуқаролар, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига ёрдам берадиган, жамият яхлитлигини сақлайдиган ва мустаҳкамлайдиган омилдир.

Сенат Қўмитаси ишчи гуруҳи ахборотида таъкидланганидек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан муайян ишлар қилинаётир. Чунончи, вилоят ҳудудида жойлашган корхоналарда, ташкилот ва ўқув муассасаларида, қишлоқ ва маҳаллаларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ҳужжатлари, Президентимиз фармонлари ва қарорлари, ҳукуматимиз қарорларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адлия, халқ таълими, ўрта махсус таълим бошқармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” жамғармаси бўлинмалари ҳамда вилоятдаги бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ҳуқуқий тарбиянинг узлуксизлиги, Конституция ва қонунлар устуворлиги, демократия, ижтимоий адолат, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида аҳолининг социал-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Қонун ҳужжатларини аҳолига тушунтириш мақсадида 2008 йилда ва 2009 йил биринчи чораги мобайнида қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида, фермер хўжаликлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда 2634 та семинар, давра суҳбати, маъруза ва мулоқотлар ўтказилди.

Матбуот саҳифаларида мунтазам чиқишлар қилинмоқда. Вилоят телерадиокомпанияси томонидан “ТВ-адвокат”, “Сизнинг адвокатингиз”, “Инсон ва қонун”, “Қонун ва ижро” каби руклар остида ҳуқуқий мавзудаги кўрсатувлар мунтазам равишда бериб борилмоқда.

Шу билан бирга, сенаторлар бу масалада айрим камчилик ва нуқсонлар мавжудлигига эътибор қаратдилар. Жумладан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунчилик, ҳуқуқий тарғибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси 2008 йилда “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Зафаробод, Зарбдор, Арнасой, Жиззах туманларида ижро этилишини ўрганиш бўйича ўз режасини бажармаган. Бу ҳолат халқ депутатлари Зарбдор, Дўстлик, Пахтакор туман Кенгашларининг тегишли комиссиялари ишида ҳам кўзга ташланди. Вилоят халқ депутатлари Кенгашида, шунингдек, туман, шаҳар ҳокимликларининг аксариятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондини ташкил этиш масаласи оқсамоқда. Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойларга ўз вақтида етказилиши таъминланмаётгани мажлис иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидланди. Вилоят адлия, ўрта махсус таълим бошқармалари, баъзи туман ички ишлар органлари, халқ таълими бўлимлари томонидан ҳуқуқий тарғибот ва ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш масалаларига эътибор кучайтирилиши зарур.

Мажлисда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг Жиззах вилоятида ижро этилишига оид камчиликларни бартараф қилишга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, давлат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга доир бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Самарқандда Мирзо Улуғбекнинг 615 йиллиги ҳамда Халқаро астрономия йилига бағишланган “Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси” мавзуидаги нуфузли халқаро конференция ниҳоясига етди.***

# МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ БУЮК МЕРОСИ АСРАБ-АВАЙЛАНИБ, САЛМОҒИ ОРТМОҚДА

Дунё нигоҳи

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Мурожаат билан чиқди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

— Биз, буюк олим ва давлат арбоби, темурийлар сулоласининг инсоният тарихида улкан из қолдирган энг ёрқин намояндаларидан бири Мирзо Улуғбек меросига бағишланган халқаро конференция иштирокчилари, Сизга мурожаат этиб, мазкур анжуманни ўтказиш ҳақидаги қарорингиз учун улкан миннатдорлик ва ташаккур изҳор этамиз.

Анжуман иштирокчиларининг таъкидлашича, “Конференция қадимий ва навқирон, буюк Самарқанд шаҳрида ўтгани анжуманга ўзига хос шукуҳ бахш этди. “Самарқанд” деганда ҳар бир зиёли инсон тасаввурида ўзбек халқининг аждодлари томонидан яратилган сеҳрли, одамни ром этувчи обидалар, улкан тарихий воқеалар, иқтидорли меъморлар, қўли гул усталар ва буюк шоирларнинг бебаҳо асарлари гавдаланади”.

Мурожаатда айтилишича, буларнинг барида Мирзо Улуғбекнинг аҳамияти беқиёс — “Унинг ҳукмронлиги даврида Самарқанд дунёнинг астрономия ва математика соҳаларидаги пойтахтига айланган. Самарқанд ёнида барпо этилган обсерватория ҳамда илмий кузатувлар асосида яратилган Зиж бугун ҳам ўз аниқлиги ва ноёблиги билан одамни лол қолдиради.

Конференция иштирокчиларининг чиқишларида Мирзо Улуғбекнинг мероси нафақат ўзбек халқи ва ислом цивилизацияси, балки бутун инсониятнинг бойлиги экани алоҳида қайд этилиши бежиз эмас!”

— Ўзбекистонга келишдан аввал биз турли манбалар орқали Ўзбекистон демографик жиҳатдан жуда ёш мамлакат экани ва бу ерда Сизнинг оқилона сиёсатингиз туфайли таълимга улкан эътибор қаратилишини яхши билар эдик. Ўзбекистон ўз ялпи маҳсулотининг 13 фоиздан кўпроғини таълим соҳасига сарфлайди. Бу жаҳон рекорди бўлса, ажаб эмас! Ўзбекистонга келиб, бу ердаги энг юқори андозаларга мос равишда жиҳозланган қулай ва замонавий лицей ва мактабларни, спорт залларини кўриб, биз бунга шахсан гувоҳ бўлдик, — дейилади Мурожаатда.

Ўзбекистон раҳбарига самимий миннатдорлик билдирар экан, халқаро конференция иштирокчилари ўз Мурожаати якунида шундай ёзади: “Конференциямиз жаҳон иқтисодиёти чуқур инқироз домида турган, кўплаб халқаро анжуманлар бекор қилинаётган иқтисодий жиҳатдан мушкул бир пайтда ўтмоқда. Аммо Ўзбекистонга келгач, биз Сизнинг иқтисодиёт соҳасидаги оқилона сиёсатингиз мазкур қийинчиликларни нисбатан осон енгиб ўтиш имконини бераётганига амин бўлдик. Айни пайтда конференцияни ўтказиш тўғрисидаги қарорингизни биз нафақат Сизнинг Улуғбекка бўлган чуқур ҳурматингиз, балки замонавий Ўзбекистондаги фан ва таълимнинг гуллаб-яшнаши борасидаги ғамхўрлигингиз далили, деб биламиз. Буни таъкидлаш биз, олимларга, айниқса, қувончлидир!”

**«Жаҳон» АА.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



# Иш билан бандлар сони кўпаймоқда

**2009** йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда иш билан бандлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **293,2** минг кишига кўпайди.

**Республикамиз меҳнат бозорида фаол сиёсат юритилгани, яъни ушбу йўналишда аҳоли бандлиги даражасининг ўсишини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўрилгани туфайли шундай ижобий натижага эришилди.**

# ДОНОРЛИК ХИЗМАТИ

## инсонни эзгулик, меҳр-шафқат ва халоскорликка чорлайди

***Инсон саломатлигида қоннинг ўрнини ҳеч бир нарса боса олмайди. Шу боисдан, қон топшириш, донорлик хизмати ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг қон ва унинг таркибий қисмларини тиббий эҳтиёжлар учун топширишлари уларнинг инсонпарварлиги ва меҳр-шафқат ҳис-туйғуларининг амалий ифодаси ҳамда юртдошларимизнинг саломатлигини ҳимоя қилишга қўшган улушидир.***

Саломатлик



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг тавсиясига биноан, ер юзида қон ва унинг таркибий қисмларига ҳамда препаратларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун ҳар 1000 кишидан камида 40-60 нафари қон топшириши керак бўлади. Аммо бу тавсия турли давлатларда турли даражаларда бажарилмоқда. Масалан, АҚШда — минг кишидан 125 нафари қон топшираётган бўлса, Словенияда бу кўрсаткич мингтага — 50 тани, Францияда — 38 тани, Россияда — 25 тани ташкил этади. Ўзбекистонда 2008 йилда 89 минг 273 киши донорлик хизматини бажарган.

Мамлакатимизда аҳоли орасида донорликни ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ёшлар, таълим-тарбия муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари орасида донорликни ташкил этиш, уларни раҳмдиллик ва инсонийлик руҳида тарбиялаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида беғараз донорликни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури" ишлаб чиқилди ва жорий йилнинг 1 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланди. Ушбу дастурга мамлакатимиздаги 14 та вазирлик, кўпдан-кўп нодавлат, нотижорат ташкилотлари, турли хил хайрия жамғармалари ва оддий фуқаролар бош қўшиб, унинг ижросига сидқидилдан киришдилар. 2009 йилда биргина Тошкент шаҳрида юқоридаги дастурни бажариш юзасидан анчамунча ишлар амалга оширилди. Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти ҳамкорлигида пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари талабалари орасида "Мен донор бўламан" шиори остида хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Шу кунгача бундай тадбирларда Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат техника университети талабалари фаол қатнашдилар. Айниқса, тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртларининг талабалари ва ўқитувчилари бу олижаноб акцияда намунали даражада иштирок этди. Шунингдек, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятдаги катта-кичик корхоналар, акциядорлик жамиятлари, ташкилотлар, муассасалар, оилавий поликлиникалар ходимлари донорлик кунларини ташкил этишда яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

2004 йилда ҳукуматимиз ва Осиё Тараққиёт банки ўртасида республика тиббиёт муассасаларини тиббий техника ва аппаратуралар билан жиҳозлаш тўғрисида имзоланган шартномага кўра, донорлик хизмати муассасаларининг моддий-техника базасини замон талаблари даражасида ташкил этиш учун 7 миллион 166 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Бундай эътибор бугун ўз самараларини бермоқда. Жумладан, республика Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг сиз суратда кўриб турган қон қуйиш станцияси учун бунёд этилган муҳташам бино ва унинг ички замонавий жиҳозлари ҳам айнан мустақиллик даврининг эзгу самараларидандир.

Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида бошланган кенг қамровли ислоҳотлар тобора чуқурлашиб, халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифати йил сайин янада юқори поғоналарга кўтарилиб бораяпти. Ислоҳотлар мамлакатимиз тиббиётининг муҳим таркибий қисми бўлган донорлик хизматини ҳам, шак-шубҳасиз, янги ривожланиш босқичларига кўтаради.

**М. САФАРОВ.**

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

Ҳиммат

# Эл-юртнинг меҳр тафти

***Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнун.***

Бундан икки йил аввал Меҳрибонлик уйи биноси тўла таъмирланиб, зарур мебеллар билан жиҳозланганди. Айни пайтда бу ерга микроавтобус туҳфа қилинди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ташишга мўлжалланган махсус автомашина ҳадя этилди.

Қисқаси, тарбияланувчилар эл-юрт меҳр тафтини мунтазам ҳис этишмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Болаларга совға

***"Ўзбектелеком Мобайл" акциядорлик компаниясининг Фарғона вилояти бўғланмаси "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида вилоятнинг энг олис қишлоқларидаги 7 та мактабга телефон ўрнатишни режалаштирганди.***

Айни пайтда мазкур режани амалга оширишга киришилди.

Эндиликда ушбу мактаблар ўқувчилари "Ўзбектелеком Мобайл" яратаётган қулайлик орқали Интернет тармоғига уланиш имкониятига эга бўладилар.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


# АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА !



***Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда, шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик — 13.00 дан 14.00 гача) Давлат алоқа инспекциясининг***

**237-01-11** *рақамли*

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»**

***хизматига қўнғироқ қилинг.***



**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли 3-тор кўчаси, 3-уй.**
**E-mail: sanktsiya@gis.uz**
**Web-site: www.gis.uz**

***Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат алоқа инспекцияларида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 гача (тушлик — 13.00 дан 14.00 гача) қуйидаги «Ишонч телефони» хизматларига мурожаат қилишингиз мумкин:***

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 224-01-11 |
| 2. | Андижон вилояти | 224-01-11 |
| 3. | Бухоро вилояти | 223-01-11 |
| 4. | Жиззах вилояти | 226-01-11 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 221-01-11 |
| 6. | Навоий вилояти | 224-01-11 |
| 7. | Наманган вилояти | 226-01-11 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 235-01-11 |
| 9. | Сирдарё вилояти | 40-01-11 |
| 10. | Сурхондарё вилояти | 227-01-11 |
| 11. | Хоразм вилояти | 226-01-11 |
| 12. | Фарғона вилояти | 223-01-11 |
| 13. | Тошкент вилояти | 235-01-11 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 236-01-11 |

555Н/836


Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

***7-13 июнь кунлари Хитойда бокс бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтди.***

# Санжар ва Элшод — Осиё чемпиони!



Нуфузли мусобақада иштирок этиш учун ўн бир нафар боксчимиз жўнаб кетган эди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати маълумотига кўра, ҳамюртларимиздан беш нафари совриндорлар сафидан жой олишган.

Жумладан, андижонлик ёш иқтидорли боксчимиз Санжар Раҳмонов (64 кг.) ва Пекин Олимпиадаси иштирокчиси, қўқонлик Элшод Расулов (81 кг.) барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлишди. Шунингдек, Тўлашбой Дониёров (54 кг.), Хуршид Тожибоев (57 кг.) ҳамда Сардор Абдуллаев (+91 кг.) кумуш медаллар билан тақдирландилар.

***Шахмат бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионати олий лигаси мусобақалари якунланди.***

# ЭНГ КУЧЛИ ОЛТИ ШАХМАТЧИ

Мусобақа низомига кўра, чемпионатда энг яхши кўрсаткичга эришган олти нафар шахматчи олий лигада ўз ўрнини сақлаб қоларди. Шу сабабли ҳар бир тур қизғин беллашувлар остида кечди. Якунда самарқандлик Жўрабек Ҳамроқулов 9 очко жамғариб, мамлакат чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Пойтахтлик шахматчилар Антон Филиппов 8,5 очко билан иккинчи, Владимир Егин эса 7,5 очко тўплаб учинчи ўринни эгаллади.

Юқоридаги совриндорлардан ташқари, Саидали Йўлдошев (Тошкент вилояти, 7,5 очко), Марат Жумаев (Самарқанд, 7 очко) ва Андрей Квон (Тошкент шаҳри, 7 очко)лар кучли олти шахматчи қаторидан жой олдилар.

Бегали Саидов (Сурхондарё, 6 очко), Сергей Қаюмов (Тошкент, 5,5 очко), Баҳодир Холмирзаев (Наманган, 5,5 очко), Акмал Файзуллаев (Қашқадарё, 4,5 очко), Александр Касян (Тошкент шаҳри, 4 очко), Юлдуз Ҳамроқулова (Жиззах, 3,5 очко), Руслан Ниёзметов (Хоразм, 2,5 очко)лар янги мавсумни биринчи лигада давом эттирадилар.

# Ҳамюртимиз кейинги босқичда

Истбурн (Буюк Британия)да мукофот жамғармаси 450 минг АҚШ долларига тенг бўлган теннис турнири давом этмоқда.

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Денис Истомин биринчи турда америкалик Кевин Кимга қарши кортга чиқиб, 7/6, 7/5 ҳисобида ғалаба қозонди. У иккинчи турда Сэм Куэрри (АҚШ) — Паул Капдевилле (Чили) жуфтлиги ғолиби билан учрашади.

***Польшанинг Бидгош шаҳрида енгил атлетика бўйича "Enea Cup" IX Европа очиқ фестивали ўтказилди.***

# Енгил атлетикачилар муваффақияти



Нуфузли турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Леонид Андреев лангарчўпда сакраш баҳсида 5 метру 56 сантиметр натижа билан бронза медалини қўлга киритди.

Грециянинг Салоники шаҳри мезбонлик қилган "Olympic Meeting Thessaloniki — 2009" халқаро турнирида эса ҳамюртимиз, Пекин Олимпиадаси иштирокчиси Светлана Радзивил баландликка сакраш беллашувида 1 метру 91 сантиметр натижага эришиб, бронза медали билан тақдирланди.

# Регбичиларимиз ғолиб

***Пойтахтимиздаги "Ёшлик" спорт мажмуасида регби бўйича эркаклар ўртасида беш миллат кубогининг саралаш мусобақаси ташкил этилди.***

Унда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Мўғулистон жамоалари кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб боришди. Мазкур спорт тури мамлакатимизда эндигина ривожланаётган бўлишига қарамай, терма жамоамиз вакиллари мусобақада муваффақиятли иштирок этишди. Улар финалда Қирғизистон терма жамоаси регбичиларини 31-12 ҳисобида мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни қўлга киритдилар.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

# Йўллар Римга элтади

***Андижонлик ёшлар спортнинг сузиш тури бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатида доимо муваффақиятли иштирок этиб келишади.***

Яқинда пойтахтимизда ташкиллаштирилган мамлакат биринчилигида Андижон давлат университети талабаси Собит Амилов 400 ва 200 метр масофаларга эркин усулда сузишда иккита олтин медаль соҳиби бўлди. Андижон спорт коллежи ўқувчиси Шоҳруҳ Юнусов эса 200 метрга чалқанча усулда сузишда маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Энди улар Рим (Италия) шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон биринчилигида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


"Росагропромснаб" МЧЖ

# ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 $м^3$/соатдан 500 $м^3$/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗМЕЪЁРЛАГИЧЛАР
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



330Н/1607

Маҳсулот сертификатланган.

**Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.**

Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.



**«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ**

**2009 йилнинг III чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**

**САРИЁҒ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.**

**Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 26 июнь куни соат 17.00 гача.**

568Н/845



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТ-ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ**

**лицензияланган антивирус дастурини ва офис техникаларига бутловчи материаллар ҳамда эҳтиёт қисмларни етказиб бериш бўйича танлов ўтказади.**



*Танлов ҳужжатларининг баҳоси — 30 минг сўм.*

**Таклифларни тайёрлаш бўйича ҳужжатлар тўплами ва тўловни амалга ошириш учун банк ҳисоб рақамларини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент ш., Истиқлол к., 29-уй. Телефонлар: 232-69-58, 239-15-61.**

***Лицензияланган антивирус дастурини ва офис техникаларига бутловчи материаллар ҳамда эҳтиёт қисмларни етказиб бериш бўйича таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.***

587R/861


# ОБ-ҲАВО (16 июнь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Айрим жойларда ҳаво қисман ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 13-18, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 13-18, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 16-18, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

***«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Нурмат Рустамович Ахмановга онаси

**РОБИЯ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблари бирлашмаси театр ва кино актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Давлат мукофоти соҳиби

**Фарҳод АМИНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Травмотология, ортопедия, болалар травмотология, ортопедияси ва нейрохирургия ва болалар нейрохирургияси кафедраси профессори

**Патхилла Салихович ДЖАЛИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси проректор

**Сапарбой Джумабаевич АЧИЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси Ички аудит хизмати бошлиғи Абдушукур Шомуқимовга акаси

**Илҳом ШОМУҚИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"NORMA" МЧЖ нашриёти Тадбиркорликни ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлаш "ZAKOVAT" жамоат ҳомийлик фонди директори Маҳмуд Зайнутдиновга отаси

**Ҳамиджон ЗАЙНУТДИНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи — Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.30

1 2 3 4 5 6 7 9